Стратегик ва минтақалараро
КУТУБХОНАСИ
тадқиқотлар институти


# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Дам олиш сонида:

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 28 (9.220) 1999 йил 12 март, жума ◆ Сотувда эркин нархда


## ДАВР САДОСИ

«Тошкент оқшоми»

*Барча манбалардан олинган сўнгги ахборотлар*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэл 1999 йил 15-16 март кунлари Ўзбекистон Республикасига расмий ташриф буюради.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида сўзлаган нутқи ва парламентнинг ушбу нутқ юзасидан қабул қилган қароридан келиб чиқадиган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этиш бўйича Олий Мажлис комиссияси фуқароларни ҳуқуқий тарбиялашни яхшилаш масалалари бўйича ишчи гуруҳининг мажлиси бўлди.

● «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси бошқаруви тузилишини такомиллаштиришга қаратилган таклифларни тайёрлаш ва уларни амалга ошириш бўйича ҳукумат комиссиясининг мажлиси бўлди.

● Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида мамлакатимиз олий ўқув юртлари ректорлари, маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректорларининг Президент Ислом Каримовнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблари ҳамда «Халқ сўзи» газетасида чоп этилган «Февраль воқеалари» мақоласига бағишланган анжумани бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг «Ўзбекистон» нашриёти Президентимиз Ислом Каримовнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавобларини «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» номи билан ўзбек ва араб тилларида нашрдан чиқарди.

● **Кеча** Тошкент шаҳар ҳокимлигида ўтказилган семинар-кенгашда Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бажарилиши масалалари муҳокама этилди.

● «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясида Халқаро темир йўллар ҳамжамияти қўмитасининг темир йўл ташувини ташкил этишни янада яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқишга бағишланган йиғилиши бошланди. Уч кун давом этадиган бу йиғилишда 25 давлатдан келган ушбу соҳа вакиллари қатнашмоқдалар.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва техника соҳасида Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти Қўмитаси 1999 йилги Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига ишларни тақдим этиш муддати 1999 йилнинг 15 мартидан 1 июнигача белгиланганлигини маълум қилди.

● **Бугун** эрта тонгда ватандошларимизнинг биринчи гуруҳи Ҳаж ибодатларини адо этиш учун жўнаб кетди.

● Қўқонда эндокринологик хасталикларни даволаш бўйича хусусий шифохона очилди.

### ЖАҲОНДА

● **Кеча** Халқаро валюта фондининг миссияси Россия ҳукумати билан музокаралар олиб бориш учун Москвага келди.

● **Кеча** Москвада Россия ва Белоруссия иттифоқининг навбатдан ташқари сессияси очилди. Унда жорий йил бюджети масаласи муҳокама этилмоқда.

● **Кеча** Боннда бозор иқтисодиёти асосида ривожланаётган мамлакатларга ёрдам кўрсатиш бўйича халқаро конференция ўз ишини бошлади.

● Нью-Йоркнинг яҳудийлар музейида ишбилармон ва молиявий доиралар, мамлакатнинг ижодкор зиёлилари вакиллари иштирокида Гвидо Голдман коллекциясининг «Марказий Осиёнинг нафис ипаклари: икат» кўргазмасининг очилиши бўлиб ўтди. Маълумки, Гвидо Голдман Ўзбекистон миллий маданияти бойлигини Ғарбда фаол тарғиб этаётган олимдир. Ўтган йили у Ўзбекистон Бадиий академиясининг хорижий аъзоси унвонини олган ва академиянинг олтин медалига сазовор бўлган эди.

● Ҳиндистоннинг Гужарат штатининг энг катта шаҳарлари — Аҳмадобод ва Бародада «Марказий Осиёга даъват» мавзуида етакчи ишбилармонларнинг семинарлари бўлиб ўтди. Уларда Ҳиндистон ишбилармон доираларининг 150 дан зиёд вакили иштирок этди. Бу тадбиркорларнинг Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ҳамкорликда кенгайтиришга бўлган қизиқишидан далолатдир.

● **Бугун** Белоруссия Президенти Александр Лукашенконинг Киевга икки кунлик амалий ташрифи бошланади. Унинг Украина Президенти Леонид Кучма билан учрашуви чоғида бир қатор савдо-иқтисодий икки томонлама битимларни имзолаши кутилмоқда.

● БМТ Бош котиби Кофи Аннан АҚШни БМТ олдидаги ўз қарзини узишда хоҳиши йўқлигида айблади.

● **Бугун** Ашгабатда БМТ шафелигида афғонлараро музокараларнинг иккинчи босқичи бошланади.

● Россия Федерацияси Президенти матбуот хизматининг хабарига кўра МДҲ ижрочи котиби лавозимини бажарувчиликка И. Коротченя номзоди маъқулланди.

● **Бугун** Голландияда у ерга борган Жанубий Африка Республикаси Президенти Нелсон Манделага бутун дунёга машҳур бўлган Лейден университетининг фахрий докторлиги нишони топширилади.

● **Кеча** Ҳафиз Асад навбатдаги етти йиллик муддатга Сурия Президенти лавозимига бешинчи марта қасамёд қилди.

● **Бугун** Чехия, Польша ва Венгрия ташқи ишлар вазирлари АҚШ Давлат котиби М. Олбрайтга НАТОга қўшилиш тўғрисида ўз мамлакатлари Президентлари имзолаган протоколларни топширадилар.

### ЮРТИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ



## БИРИНЧИЛИК МАСЪУЛИЯТИ

***Биринчи учувчи, биринчи фан номзоди, биринчи халқ артисти, биринчи... Ҳар доим ҳам биринчилар эл назарида, шунингдек елкаларида улкан «юк» билан масъулият туйғусини ҳис этиб яшайдилар.***

Тошкент шаҳар «Тез тиббий ёрдам» станциясининг катта фельдшери Умри Соиповани ҳам ана шундай биринчилик масъулиятини сезган ўз касбининг фидойиси дейиш мумкин.

Эл соғлиги йўлида қорли-ёмғирли кунларни писанд қилмай кечаю кундуз меҳнат қилаётган Умри Соипова тез тиббий ёрдам фельдшерлари орасида биринчилардан бўлиб «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тиббиёт ходими» фахрий унвонига сазовор бўлган.

Чорак асрдан буён «Тез тиббий ёрдам» кўрсатиш станциясида фаолият кўрсатаётган бу меҳри дарё аёлнинг эришган ютуқлари, унинг меҳнатларининг давлатимиз томонидан муносиб баҳоланаётганлигини кўриб дарахт бир жойда кўкаради, деган пурмаъно ҳикматнинг нечоғли тўғри эканлигига яна бир бор амин бўламиз.

— Тез ёрдам фельдшерлари орасида менга биринчи бўлиб «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тиббиёт ходими» фахрий унвонининг берилишини нафақат ўзимга, балки уйма уй юриб хизмат қилаётган барча фельдшерларга берилган унвон, эътибор деб биламан, — дейди Умри Соипова.

Бу шифокорнинг беморга ҳам шарафли, ҳам масъулиятли — биринчи тиббий ёрдамни кўрсатиши натижасида беморлар соғайиб ўз оилалари қучоғига, қайноқ меҳнат жараёнига қайтмоқдалар.

**Нигора НАЗИРОВА.**

*СУРАТДА: Умри Соипова.*

*Рустам Шарипов олган сурат.*

**Саноат**

## РАҚОБАТЛАША ОЛАДИ

***«Ўзэлектроаппарат» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти қошида ташкил этилган «Эльга — Осиё» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасида 3 ва 4 комфоркали ошхона электр плиталари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган ҳамда буюртмачилар уни бажонидил харид қилишмоқда.***

Жорий йилдан бошлаб эса қўшма корхона жамоаси яна бир «Лисва» деб номланган ошхона электр плиталари ишлаб чиқаришни бошлаб юбордилар. Жаҳон андозалари талабларига жавоб бера оладиган ушбу маҳсулотларни хорижга экспорт қилиш ҳам кўзда тутилган. Чунки у бугунги кунда жаҳонда ишлаб чиқарилаётган турли электр плиталар билан сифати ва кўриниши жиҳатидан ҳам бемалол рақобатлаша олади.

Чет эл технологияси билан жиҳозланган ушбу корхонада ишнинг кўзини билган малакали мутахассислар меҳнат қилишмоқда. Корхонада электр плитасининг баъзи бир қисмларини тайёрлаш ҳам кўзда тутилган.

**Дилфуза ҒАНИЕВА.**

## БУГУН


☑ *Маънавиятни юксалтиришда айниқса санъатнинг роли беқиёс...*

**2-бетда**

☑ *Шайх Санъоннинг икки муриди бор эди. Бири Басра вилоятидан эрди, номини Хожа Ҳасан Басрий дердилар, яна бирини Хожа Маҳмуд Мағрибий дердилар...*

**3-бетда**

☑ *Келгуси ҳафтада «Ойнаи жаҳон»да қандай кўрсатувлар намойиш этилади?*

**4, 5, 6-бетларда**

☑ *Баҳорнинг ташрифидан қувонган интиқ юраклар янги насим эсганда титраган барг каби дилбарлашади.*

**7-бетда**

☑ *Биров сендан узр сўраса узрини қабул эт. Ўч олишдан кўра узрини қабул қилишда лаззат кўп!*

**8-бетда**


**Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда**

## ҲАҚИҚАТ ЙЎЛИ

**Мухомбек ТЎРАЕВ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, пенсионер:**

— Йўлбошчимиз Ислом Каримовнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига қайтарган жавобларини ҳаяжон билан ўқиб чиқдим. Президентимизнинг ушбу суҳбатда билдирган фикрлари дини исломнинг муқаддаслигини очибгина қолмай, балки унинг софлигини, поклигини кўз қорачиғидек ҳимоя қилиш ҳамдир.

Маҳаллада яшайман. Биз кексаларнинг диққат-эътиборидан ёшлар тарбияси асло четда қолмаслиги керак. Биз фарзандларимизни қанчалик қобил, комил, ўз мустақил фикрига эга инсонлар қилиб тарбияласак шунчалик келажагимизни асраган бўламиз. Президентимизнинг ёшларга билдираётган юксак ишончлари ҳам ана шуни тақозо этяпти.

Бизнинг юртимиз, халқимиз муқаддас дини исломни ёйиш йўлида улуғ ишларни кўп қилган. Қандайдир жоҳил кимсаларнинг ислом дини номидан ёвуз ниятларини амалга оширишига асло йўл қўйилмаслиги керак. Юртимизни огоҳ бўлиб, ҳушёрлик билан озодлигимиз ғанимларидан ҳимоя қилишимиз даркор.

# ПОЙТАХТ ҲАЁТИ: муносабат, янгиликлар, воқеалар

***Барча тиббиёт муассасаларида ўтаётгани каби Акмал Икромов туманидаги «Она ва бола» минтақалараро даволаш-реабилитация марказида «Ҳамшира — 99» кўрик-танлови бўлиб ўтди.***



СУРАТДА: кўрик-танлов пайти.

Засим Соколов олган сурат.

*Танловлар*

## ҲАЯЖОНЛИ БЕЛЛАШУВЛАР

— Иштирокчи ҳамшира қизларимиз беллашувда ўз соҳаларини қай даражада билишлари, шахсий фазилатлардан: зукколик, чаққонлик, уй тутишдаги саришталикларини намойиш этишди, — деди марказ бош ҳамшираси Раъно Умарова. — Аёллар саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш мавзусига бағишланган ушбу кўрик-танлов ғолиби туман беллашувига йўлланма олади.

Кўрик-танловда марказнинг чала туғилган гўдаклар бўлими ҳамшираси Умида Иноғомова ғолиб деб топилди.

**Мурод РАҲИМОВ.**

*Тадбиркорлик*

## ШИФОБАХШ СОВУН

***Мирзо Улуғбек туманидаги «Ўзкур» — Ўзбек-Туркия қўшма корхонасида «Капила» шифобахш совуни ишлаб чиқарилмоқда.***

Бу совун уч турда бўлиб, асосан ёғли сочларга ва қазғоқ босадиган бошлар учун жуда фойдалидир. Унинг технологик хусусиятини Ўсимлик моддалари кимёси институти ходимлари ўрганиб чиқиб, шифобахш эканлигини тасдиқлашди. Янги маҳсулот асосан дорихоналарда сотилмоқда.

**Гули АБДУЛЛАЕВА.**

*Она нидоси*

## БОЛАЖОНИМ, СЕНИ СОҒИНДИМ...

**(16 февралда Тошкентда рўй берган фожиали воқеалар тинч ва осуда бу хонадонга ҳам катта мусибат олиб келди).**



***«Фарзанд сўзи сўзлатади, сўзламай кўрчи,***
***Фарзанд сўзи йиғлатади, йиғламай кўрчи».***

Қайсидир китобда ўқигандим шу мисраларни. Очиғи ўшанда менга унчалик таъсир қилмаганди бу сўзлар. Фарзанд сўзи қалбимни ўртаб, бутун вужудимни ёндириб турган ҳозирги дамларда унинг мағзини чақиб турибман. Оналар учун фарзанд доғидан ортиқ мусибат йўқ экан дунёда, болам.

Жилов билмас сочқин хаёлларимнинг туби ҳам, поёни ҳам йўқ. Сендан ёдгорлик бўлиб қолган суратингга тикиламан-тикиламан, сира дийдорингга тўймайман. Сўлғин чеҳранг, ғамгин боқиб турган кўзларингдан онагинанг ўргилсин, нуридийдам.

Ахир сени қандай унутай, болажоним. Ота-онангга бир дунё меҳринг, укаларингга садоқатинг, турмуш йўлдошингга вафодорлигинг, уч ойлик қизалоғинг — Гўзалхонга дилдорлигингни унутиб бўлармиди, меҳрибоним.

**Сенга жуда ўрганиб қолган эканман. Ҳамон тиқ этса эшикка қарайман. Гўё мен учун худди тириксан. Одатдагидек қўлингда менга аталган совға билан эшикдан ял-ял ёниб кирасан-у уни қўлимга тутиб, «Сизга олиб келдим, бу совғани, онажоним!» дея мени эркалаб бағрингга босаётгандексан. Сенга шу қадар боғланиб қолганимни энди сезаяпман, Жамшиджоним.**

Биламан, ўлим ҳақ. Лекин у вақти-соати билан келса хўб экан. Бемаврид, бесабаб, балоқазодек ёпирилиб келса, барчани ҳайрон, оналар қалбини вайрон этиб кетаркан, ўғилгинам.

Жондек азиз Ватанига, фидойи Йўлбошчисига, садоқатли инсонлар бошига кулфат ёғдирган хиёнаткорларнинг, Ватан ва миллат хоинларининг жазоси битта — ўлим. Бу биргина менинг эмас, бугун фарзанд мусибатини бошдан кечираётган оналарнинг, бутун халқимизнинг фатвоси.

Болагинам, шафқатсиз қисматимнинг ҳозирги дамлари нақадар бедор ўтаётганлигини билсанг эди. Баъзан ўзимни қўярга жой тополмайман. Устимиздаги қора кўйлаклар, ёстиқдошинг Маликанинг ғамгин чеҳраси, укаларинг кўзларидаги ёш, суюкли адажонингнинг мотамсаро юриши... Ҳаммаси юракни эзади. Вodariғ, эрта-индин тилга кирадиган қизалоғинг «адалаб» сени йўқлаганда унга қандай жавоб бераман.

Орзуларинг бир дунё эди, болам. Мен билан отангни узоқ саёҳатларга олиб чиқиш, табаррук қадамжолар бўйлаб зиёрат қилдириш нияти бир зум тарк этмасди сени. Укаларингнинг бахти, эрка қизалоғингнинг камолини кўриш истаги хаёлингдан асло нари кетмасди. Барча ватандошларинг қатори туғилиб ўсган юртинг ва элингга, падаринг Ҳакимжон акадек, бобонг Ҳамиджон отадек, тоғажонинг Миробиддек садоқат билан хизмат қилишни қалбингга жо этиб қўйгандинг, ўғилгинам. Қоронғу гўрга ўзинг билан бирга олиб кетган яна қанча-қанча орзуларингни айтай. Барчамизга армон бўлиб қолган қай бир тилак ва истакларингни баён этай. Уларни бирма-бир эслаб ўтиришга бардош ва юрак қайда дейсан менда?

**Эсингдами, ўшанда суратга тушиш учун кетаётганингда, «Ойижон, сурат ҳам инсондан қоладиган бир эсдаликда», деган эдинг. Вой тавба, аслида ўша дамда бу гапни дилингга худо солган экан-да. Чиндан ҳам шу охирги сурат сендан хотира бўлиб қолди, ёдгорим.**

Суратингга қарасам, тетапояликдан ҳозирги дамгача бўлган ўтмишинг шундоққина кўз ўнгимда жонланади. Боғча ва мактаб қувончлари, талабалик йилларинг, куёвлик сарпосини кийган кунларинг ва ниҳоят институтни тугатиб, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкига бўлим бошлиғи бўлиб ишга жойлашгандаги хушнуд дамларинг худди кечагидек ёдимда.

Ўлим — ҳақ. Фақат мени: «Болам биздан рози кетдимикан?» деган ўкинч кечаю кундуз қийнайди. Биз ота-онанг, барча қон-қариндошларинг сендан-ку мингдан-минг розимиз. **Ўтган ҳафтада сенинг хотирангга бағишлаб наҳорда ўзинг ишлаган Миллий банкнинг гузарида ўтказилган тадбирга ҳам кўп кишилар келишибди. Отанг айтдилар. Сенинг руҳингга Қуръон тиловатлари қилишибди. Ишқилиб сен ҳам биздан рози бўлиб кетган бўлгинда, болам**. Наилож, сўнгги ризо-ризолик сўраш ҳам насиб этмади бизга.

...Ана, йўлакдан оғир қадам товушлари эшитилаяпти. Биляпман, отанг келяпти. Отанг бечоранинг кўргуликлари меникидан кам эмас.

Сўнгги ниятим шуки, бошимизга тушган бу кўргуликлар охири бўлсин. Ҳеч бир она фарзанд доғини кўрмасин.

***Юнусобод туманининг «Марказ — 6» мавзесида жойлашган 118-уйининг 13-хонадони бекаси Гулчеҳра Хабилова сўзларини оққа кўчирувчи:***

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.**

*Ёшлар — келажагимиз*

## УНУТИЛМАС ДАҚИҚАЛАР

***Маълумки, маънавиятни юксалтиришда айниқса, санъатнинг роли беқиёс.***

Бу борада мактабимизда ўтказилаётган тадбирларнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Куни кеча мактабимизда Й.Охунбобоев номидаги республика Ёш томошабинлар театрининг бир гуруҳ артистлари билан бўлиб ўтган учрашув ҳам фикримизнинг исботидир. Учрашув жуда қизғин, мароқли ва баҳсли тарзда ўтди. Айниқса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Исмоил Абдуллаевнинг чиқиши, унинг болалар қалбига йўл топа билиши томошабин ёшлар юрагида ўчмас из қолдирди. Болаларнинг севимли қаҳрамони «Қовоқвой» яъни артист Ҳабибулло Абдуллаев ва кулги устаси — артист Абдусамад Жўрабоевларнинг чиқишлари барчанинг юзида илиқ табассум уйғотиб, болаларга қувонч бахш этади.

Актёрлар билан бўлиб ўтган савол-жавоблар орқали ёшларимизнинг қай даражада санъат ихлосмандлари эканликлари, дунёқарашлари ҳозирги замон талаби руҳида йўғрилганининг гувоҳи бўлдик.

**Дилсора НАРЗИЕВА,**
**Чилонзор даҳасидаги 295-мактаб ўқитувчиси.**

*Куюнчаклик билан ёзилган*

## ҚАЧОН ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ?

***Мен оила аъзоларим билан Чилонзор туманидаги 2-мавзе, 4-уй 23-хонадонда яшайман. Уй бизга давлат томонидан берилган бўлиб, ҳали хусусийлаштирилмаган.***

Ўтган йиллар мобайнида уйда ҳар йили содир бўладиган воқеа бу ерда яшовчиларнинг асабига тегади. Ёғин-сочинли кунлар келди дегунча, юрагимиз зириллаб туради. Нега десангиз, томдан ўтаётган чакка йиллар мобайнида асабларимизга тегиб кетди.

Уйимиз 1-ижара корхонасига қарашли. Ана шу корхонага ва бошқа юқори ташкилотларга бир неча маротаба мурожаат қилдик. Лекин ҳеч қандай натижа бўлмаяпти. Улар турли баҳоналарни (ҳали материал йўқ, ҳали уста йўқ) рўкач қилиб, талабимизни қондириш ҳақида ўйламаяптилар.

Яхшиямки 1999 йил қиш мавсумида унчалик ёғингарчилик бўлмади. Лекин баҳорнинг серёғин кунлари ҳали олдинда. Чакка ўтган жойларга қўйиш учун тоғораю челакларимиз тайёр турибди. Лекин қачонгача ижара корхоналаридаги мутасаддилар ўз вазифаларига совуққонлик билан қарайдилар? Зора газета орқали ёзган арзимиз уларнинг қулоқларини қаттиқроқ чертиб, озгина ҳаракат қилишга ундаса.

**А.ШАМСИЕВ,**
**газетхон.**

# ЖАВОҲИРЛАР САНДИҒИ

Донишмандлар хазинасидан

## ШАЙХ САНЪОН ҚИССАСИ

***Ҳурматли «Тошкент оқшоми» таҳририяти! Биз, «Оқшом» муштарийлари газета саҳифаларида босилган «Искандарнома» тўпламидаги ҳикояларни мароқ билан ўқидик. Илтимос, шу тўпламдаги янги ҳикоялардан яна эълон қилсангиз.***

**Ҳурмат билан Доно Назирова, Ҳусан Аҳмедов, Барно Маликова ва бошқалар.**

*

***Муштарийларимизнинг илтимосларини инобатга олиб, бугундан бошлаб «Шайх Санъон қиссаси» ҳикоясини оқшомхонлар эътиборига ҳавола этамиз.***

Келтирибдурларки Шайх Санъон ўзининг камолатга етган тўрт юз халифалари ва беадад муридлари бирлан Иродаи Ҳарамайн ал Шариф этди ва анча йиллар ул муборак жойда сокин эрдилар. Баҳор фасллари бўлса ҳар ҳафтада бир кун ё икки кун саҳро сайрига чиқар эрдилар. Бир кун барча асҳоблари бирлан бир жойга бориб тўхтадиларки, сувлари равон, гуллар, райҳон ва садбарглар ҳар алвонда очилибдурлар. Ул ерда тарҳи истиқомат солиб ҳазрат парвардигорнинг қудратларин мушоҳада айлаб, муридлар бирлан давра солиб зикри илоҳийга машғул эрдилар. Ул яқинда бир тоғ дараси бор эрди, неча гуруҳ жинларнинг макони эрди. Лекин мусулмони комил бўлиб, подшоҳлари ҳам бор эрди. Гоҳи-гоҳида улуғ анжуман қилиб суҳбат қурардилар. Бир куни жинлар шоҳи дедики эй яхшилар ва эй азизлар пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллоллоҳи алайҳи васаллам буюрмишларки уламолар суҳбатидин баҳраманд бўлмакни. Бинобарин, бу кун кўнгил истайдирки андоқ комил ва ҳушёр уламо бўлса бир кўриб зиёрат айласак, бир неча оёти шарифдин ва ҳадиси ҳукмидин изҳор айласалар. Шоядки эшитиб амалга келтирсак, олий савоб топардик.

Жинлар шоҳининг баркамол, озода бир ўғли бор эрди, ўрнидин туриб, одоб билан отасига арз айладики, бул фурсатларда олим ва оқил ва аҳли дил Шайх Санъондурлар. Ул зот ҳозир фалон манзилдаги обжорий бошида зикри оллоҳга машғулдирлар. Агар шоҳдин ижозат бўлса бориб, аввал бир мартаба озмойиш (синаб) айлаб, сўнгра шоҳни ҳузурларига шойиста айлаб келтирсак деди. Жинлар шоҳи дедики, эй кўзимнинг нури, эшитибдурманки валиюллоҳлар табиатан турли вазиятда бўлурлар, гоҳи андоғ зикри Оллоҳга чўмиб, маст бўлурларки, қўйган қадамларидин бехабар бўлурлар, бир ҳолатда турмасалар деб, жавоб берди. Шаҳзода ўз тобеълари бирлан Шайх Санъон томонига борди. Кўрдиларки ҳаммалари зикри парвардигорга машғулдурлар. Бироз томошо айлаб турдилар. Қазоро, Шайх Санъон азбаройи янгидан таҳорат қилмоқ учун даврадин чиқиб бир хилватга бордилар. Шаҳзода синамоқ ниятида шер суратига кириб Шайх Санъонга ҳамла қилди. Шайх танг қолиб валаятнинг қуввати бирлан ул шернинг бошига асо (ҳасса) билан урдилар, ул замон боши баданидан ғойиб бўлди. Атрофда ғариб оҳу нолалар пайдо бўлди. Турли овозлар келур эрди, Шайх кўрмас эрдилар. Фиғонли овозлар келур эрдики, эй Шайх, ул ўлган шер эмас эрди, жинлар шоҳининг нури дийдаси — шаҳзода эрди. Сизга мурид бўлмоқ учун келиб эрди, энди ўзингиз бориб шоҳга жавоб берурсиз деб, Шайхни ҳавога кўтардилар. Шайх ҳавода борур эрдилар.

Шайх Санъоннинг икки муридлари бор эрди. Бири Басра вилоятидин эрди, номини Хожа Ҳасан Басрий дердилар, яна бирин Хожа Маҳмуд Мағрибий дердилар. Ул икковларига бир мушкул масала содирбўлиб, ул масалани Шайхдин сўраб билмоқ учун бу ерга келаётган эрдилар. Улар етиб келиб ногоҳ Шайхни ҳавода кўрдилар. Бул икки Хожа Шайхни ҳавода кўриб, субҳон оллоҳ деб, лоҳавлани ўқиб, осмонга боқиб Шайхга салом бердилар. Шайх жавоби саломдин сўнг дедиларки, бу кароматдин эмас, тажовуз бирлан олиб борурлар деб, бир-бир баён айладилар. Бул икки Хожа ҳам илтимос қилдиларки, жин шоҳининг ҳузурига бизлар ҳам бирга борсак. Шайх жинлардин рухсат олиб бердилар. Шайх ҳавода хожалар ерда борур эрдилар. Хожа Маҳмудни икки ўғли ҳам бирга эрди. Бири тўққиз ёшда яна бири ўн бир ёшда.

Алқисса, жинлар шоҳ ҳузурига еткурдилар. Шоҳ ўғлини бу ҳолда кўриб, фиғони кўкка кўтарилди. Эй золим Шайх, бундай зулмни ҳеч ким қилган эмасдур. Сизлардин ушбу номуносиб амаллар зуҳурга келса энди кимдин шикоят айлаб, дод қилурмиз, деб, кўп оҳу нолалар айлаб, дедики шайхни маҳбус айланглар, мотамдин фориғ бўлгач сиёсат қилғумдур! Хизматкорлар арз айладиларки, шайхнинг икки нафар муридлари ҳам бирга келибдурлар, уламо кўринурлар дедилар. Шоҳ ҳузуримга келтиринглар деб амр айлади. Дарҳол бул икки хожани шоҳ ҳузурига келтирдилар. Хожалар шоҳга тавозеъ айлаб шоҳ иқболига фотиҳа ўқиб ўлтирдилар. Неча оят, неча ҳадис, бир неча масалаи шаръийдин баён айлаб, шайхни гуноҳидин кечишини сўрадилар.

Бул икки хожанинг нафаслари таъсир айлаб, шоҳнинг ғазаби андак пасайди. Гоҳи фарзандининг доғи жон дилини ўртар эрди. Хожалар яна сўзга кириб насиҳатлар айлаб, сабр қилмоққа даъват қилардилар. Оллоҳнинг хоҳишига, азалий қисматга рози бўлмоқдин, ўзга илож йўқдур деб, тасалли бериб, кўнглини кўтарур эрдилар. Шоҳ айтур эрдики бул сўзлар ҳақдур, аммо фарзанд доғи ва алам, мусибат ҳам мушкулдур. Эй яхшилар ҳарчанд сабр, таҳаммул қилсам-да, кўнгулни сўзиши (куйиши) зиёдароқ бўлур. Ушбу дамда сизларни нафасларингиз, дилкушо табиатларингиз юксак кўринадур. Куйган дилимга, қалбимға ўрнашган заҳмларга малҳам бўлғудек тасалли дорисини бергайсиз деб, илтижо қилди.

Хожа Ҳасан кўрдиким шоҳнинг таъби сўз эшитмоққа мойилдур, ўзига дедики ҳар важҳи бирлан шайхни тилаб олмоқ лозим ва лобуддур деб, шоҳга қараб дуолар айлаб сўз бошладики, эй шоҳ огоҳ бўлгайсизки ушбу дунё ҳеч кимга вафо қилмас, хоҳ бани одам бўлсин ва хоҳи бани жой бўлсунлар, аҳволоти ғариб ва кайфияти ажибалар юз келтирур. Чунончи, сиздек шоҳга мусибати тоза ва беандоза алам юз кўрсатди. Ушбу дуогўйни бошига ҳам кўп ҳодисотлар тушибдур. Агар шоҳдин ижозат бўлса баёнга келтирсам. Шоҳ сўрадики, ул нечук эрди? Ул дам Хожа Ҳасан дуолар айлаб дедики, камина Басра вилоятидиндурман, ота-боболаримнинг ҳунарлари баззозлик ва ҳаш жавоҳир фурушлик эрди. Мен илм дарсиядин баҳравар бўлғондин сўнгра Шайх Санъон хизматларида ҳол илмиға тараддуд айладим. Неча муддатдин сўнгра менга дедиларки, эй Хожа Ҳасан ўз ватанингга борғил, касб айлағил, тааллуқдор (уйланиш) бўлғил, бу суннатларни қўлға келтурғил, андак ёшлик ғурурининг ҳавоси ўтсин, андин кейин тариқатга қадам қўйғил деб, мени жўнатдилар. Мен ўз вилоятимға бориб уйланиб бозордин бир дўкон очиб боззозлиқ моллари билан ораста айлаб, савдо бирлан машғул бўлдим. Дўконимнинг ярми жавоҳир фурушликка ажратилган эрди. Андак замонда сандиқлар лаъл, ёқут, зумрад, марваридларга тўлди. Ҳеч ерда топилмайдиган ҳар хил мол-матолар менда топилур эрди.

Бир куни дўконимни олдида икки заифа пайдо бўлди, қариндошлардек мен билан сўрашиб, ҳеч ибо қилмасдин дўконимни тўрига чиқиб ўлтирдилар, фотиҳа ўқиб бўлгач юзларини очдилар. Бирини ҳусни жамоли андоғ эрдики, гўё булутнинг орасидин офтоб ё ой тулуъ этгандек бўлди. Қимматбаҳо либослар бирлан безанибдур, неча асл лаълларни бўйнига тақибдур. Нозу карашмалар бирлан маъшуқаликлар айлар эрдилар. Мен гумроҳ нозу неъмат ва пиру шарбатларни аларни олдиға ёзиб ташладим. Табассумлар бирлан дедики, эй хожа Ҳасан, покиза марварид, зумрад, лаъл ва гавҳар бўлса кўрсатғил, дилхоҳ бўлса олурман деди. Мен сандиқни очиб қўйдим. Ул шўхи даврон ўндин бирини саралаб олди. Мендин баҳосини сўрамасдин дедики, бул зумрадни баҳоси шунча, бу марвариднинг баҳоси мунча, ушбу лаълни нархи мунча деб, ҳаммасини ҳисоблаб, молнинг нархини етти минг тиллога еткурди. Ёнидин довот, қалам, қоғоз олиб ҳатхужжат битиб, муҳрини босиб берди. Бир одам қўшинг, биз бирлан бориб ҳовлини кўриб келсун, ўзингиз шом вақтида бориб ҳақ намак бўлиб, ҳаржларни олиб келурсиз деди. Дарҳол бир ғуломни қўшиб юбордим, бориб ул ҳурвашни уйини кўриб келди.

**Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлади.**

**(Давоми бор).**



*Бу гўзал раққосанинг нафис рақслари қайси юракни мафтун этмайди дейсиз...*

*Рустам Шарипов олган сурат.*

**Ибратнома**

## АЁЛ — ГЎЗАЛЛИК МАЪБУДАСИ

***Оналарнинг оёғи остидадур,***
***Равзаи жаннату***
***жинон боғи,***
***Равза боғин висолин***
***истар эсанг,***
***Бўл онанинг оёғи туфроғи.***

●

***Бошни фидо айла ато қошиға!***
***Жисмни қил садқа***
***ано бошиға!***
***Тун-кун унга айлагали***
***нур фош!***
***Бирисин ой англа,***
***бирисин қуёш!***

***Алишер НАВОИЙ.***

● Ҳаммадин баланддин она мансаби.

***Абдураҳмон ЖОМИЙ.***

● Хотинларнинг энг гўзали ҳаё ва иффат пардасига ўралганларидир.

***Абдулла АВЛОНИЙ.***

Кўча севгиси уни барбод этар,
Уйингни хотин меҳри обод этар.

***А.САЪДИЙ***

● Яхши хотин эрни ёшартиради.

***«Аталар сўзи»***

* * *

● Аллоҳ таоло сизларга аёллар билан яхши муомалада бўлишларингни тавсия этади, чунки улар оналарингиз, қизларингиз, холаларингиздир.

● Аёлларни фақат улуғ одамлар ҳурмат қилади. Уларни фақат пасткаш одам хорлайди.

● Аёл киши эркак кишининг чап қовурғасидан яратилгандир. Агар сен эгри қовурғани тўғриламоқчи бўлсанг синдириб қўясан. Бас у билан муроса қил, шунда бирга яшай оласан.

● Аёлларга эркаклар ўз туғишган опа-сингиллари каби муносабатда бўлишлари керак.

● Баҳз ибн ҳаким айтишича, унга отаси, бобосидан шундай ривоят қилган: «Эй Расулуллоҳ!» — дедим. — Кимга эзгулик қилай?» Расулуллоҳ: «Онангга» дедилар. «Яна кимга» дедим. «Онангга» дедилар. «Яна кимга?» деб эдим: «Онангга», дедилар. «Яна кимга» деб эдим: «Отангга, — дедилар, — ундан кейин барча яқинларга», дедилар.

● Икки заиф тоифа, яъни етим ва аёл ҳақини емоқликни сизларга ҳаром қиламан.

● Ҳар бир қавмнинг қиз фарзандидан туғилган бола ҳам шу қавмга мансубдир.

***(Ҳадис)***

* * *

● Аёл ердан чиққан эмас — эркак боласи, эркак кўкдан тушган эмас — аёл боласи

* * *

● Мард хотинин қаритмас, Ботир отин ҳоритмас

* * *

● Онангни кифтингда тутсанг, синглингни бошингда тут.

* * *

● Аёлнинг сариштаси — Рўзғорнинг фариштаси.

* * *

● Хотин — эрнинг вазири.

* * *

● Хотин эрга ойина.

* * *

● Она — одам қувончи.

* * *

● Она — ҳаётнинг гули, бола унинг булбули.

* * *

● Онанинг бир қўли бешикни, бир қўли дунёни тебратади.

* * *

● Бола — лой, она — кулол.

* * *

● Она — дарахт, бола — мева.

* * *

● Она билан бола — гул билан лола.

**Тўпловчи — Феруза УМАРОВА.**

# ЁРУҒЛИК КУНИ, ҲАЁТ БАЙРАМИ

Изҳор

## АЙЁМИНГДАН АЙЛАНАЙ, АЗИЗ ЮРТИМ!

*Наврўз — янги кун демак. Баҳорнинг ташрифидан қувонган интиқ юраклар янги насим эсганда титраган барг каби дилбарлашади.*

Кишилар кайфиятидаги мулойимлик, одамохунлик табиат ва жамият, ҳаётдаги мавжуд барча нарсаларга кўчгандек гўё. Наврўз эса бу қувончларимизнинг давомийлигини таъминлаб, йил сўнгигача ўз жозибаси билан қалбимизда яшайди. Наврўзда кишилар бир-бирларига яхшилик соғинадилар, муносабатлар латиф, ҳаракатлар нафислашиб боради гўё. Наврўзнинг биз ҳаммамиз биладиган кўп яхши қирралари борки, улар турмушимизни фаровон, ҳаётимизни чароғон этади. Самимий суҳбатлар, оқибатга чорловчи тадбирлар замирида минг йилларга дахлдор миллий қадриятларимиз, маънавий удумларимиз ётади. Наврўз байрами яна шуниси билан диққатга сазоворки, у инсонларни бирбирига яқинлаштириб, дўстликни, ҳамжиҳатликни улуғлайди. Табиат ҳам Наврўзга уйғун гўзаллашади, атроф ямяшил. Озода кўчалар, шинам ҳовлилардан киши кўнгли покланади. Туйғуларимиз нозиклашиб, муаттар кунлар хосиятини туяди. Бу муаззам дамлар оғушида «болалик» аталмиш салтанат султонига айланамиз. Бокира ҳаёт номига боболаримиз тилидан шукроналик, момолар алқаб кўзларига суртган олча гули янглиғ дуолар инади.

Яна бир таниш, ҳар йили ўзгача бир манзара: дошқозонлар тагига олов ёқилади, йигитлар ўтин ташийди, аёлқизлар етилган буғдойни келига солишади. Жисму жонимизга, етмиш икки томиримизга ғайрат-шижоат қонларини югуртириб, руҳимизга оқ тонглар кириб боради. Ёшулуғ иштирокида муқаддас таом — Сумалак пиширилади. Сумалакни истеъмол қилишдан олдин яхши ният қилинади. Зеро, шу йилнинг истаги вожиб бўлади.

Ривоят қилишларича, икки ака-ука орасидан гап қочибди-ю улар борди-келдини узиб қўйишибди. Наврўз они келиб, маҳалладаги «Сумалак» тадбирига ҳар иккови чиқишибди. Таом пишгач, ука: «Акам мендан гина қилиб юрибди. Мен кичикман. Акамнинг фарзандларига шу сумалакдан олиб борай» деб акаси уйига йўл олибди. Бу вақтда ака укаси уйига сумалакни олиб бориб бўлган экан.

Кўринадики, сумалак акаукалар муносабати яхшиланишига сабаб бўлган экан. Дарҳақиқат, сумалак кўпчилик учун тайёрланади. Зеро, унинг катта қозонда кўпчилик бўлиб, уйинкулгу қилиниши, пишгач беминнат тарқатилишида ҳам оламча ҳикмат бор. Биз ўзбек миллатидагина бор бўлган ушбу қадриятларимиз билан ифтихор қилсак арзийди. Даврада ўтириб, сумалакни кавлаган ҳар бир инсон ботинида ва зоҳирида изоҳлаб бўлмас бир ҳисни туяди. Бу Ватан ҳисси, унга муҳаббат ҳисси бўлса не ажаб? Инсонларни ўзаро самимий, оқибатга чорловчи миллий анъаналаримизни ёшлар муносиб давом эттираётгани эса қувончли ҳолдир.

**Муқаддас ЮСУПОВА.**

## Сени соғиндик, Наврўз!



## АНЪАНАЛАРИМИЗ

- *Наврўзда атроф-муҳит орасталанади, ариқ-зовурлар тозаланади, ҳовли-боғлар тартибга келтирилади. Кўчалар, майдонлар, ҳовлилар тозаланади.*
- *Наврўз куни одамлар ота-онаси, яқин кишилари, йигитлар унашилган маҳбубалари билан дийдорлашганлар.*
- *Орасидан гап қочган одамларни, уришган эр-хотинларни эл оғалари Наврўз куни яраштириб қўйишган.*

Биласизми?

## ЯКШАНБАГА ТЎҒРИ КЕЛСА

Агар Наврўзи олам якшанба куни кирса шамс, яъни қуёшга тааллуқли бўлади. Бу йил неъматлар кўп, фитна ва ёмонликлар оз бўлади. Ғўзаларга яхши бўлиб, полиз ва экинлар яхши битади. Йил бошида арзончилик, йил охирида эса бир оз қимматчилик бўлади. Бироқ бу ҳол тез ўтиб кетади. Айтишларича халқ орасида мухолифатчилик (қарамақаршилик) учраб туради. Ва машриқ тарафдан андак фитна ва қон тўкиш содир этилади. Аммо охири муроса билан тугайди. Экинларни эртароқ экмоқ керак.

**Назира НАЗАРОВА тайёрлади.**

Нашида

*Ҳижрий йил ҳисобининг биринчи ойи — ҳамалнинг бошланиши амалдаги тақвимнинг 21 мартига тўғри келади. Унинг камида етти хосияти, кароматн, шарофати бор.*

## ҲАМАЛ ҚУЁШИ БАЛҚДИ САМОДА

Аввало ислом дунёсида ҳамалнинг биринчи куни Наврўзга тўғри келадики, шу жиҳати билан шарафли, қутлуғ, ёруғ айём ҳисобланади.

**Иккинчидан,** Наврўз қиш бўйи карахтлашган замину ундаги дов-дарахтлар, жониворларнинг уйғониш, ўсиш, урчиш, униш, гуллаш, яшнаш палласи билан ҳам беназирдир.

**Учинчидан,** форс-тожик «Наврўз» сўзининг ўзи бир неча маъноларни мужассамлаштирган. Чунончи, янги йилнинг биринчи куни («нав» — янги, «рўз» — кун), яна илк баҳор ойи, демак, қолаверса, бутун баҳор фаслини ҳам ифодалайди.

**Тўртинчидан,** баҳор билан дийдор кўришганда одам ёшига бир ёш қўшилади (қайси ою кунда туғилишидан қатъи назар). Чунончи, саксонга кирганини рамзий тарзда «Саксон баҳорни кўрган» деб ҳурмат билан айтилади. Яна «Кимлар етди, кимлар етмади» ибораси ҳам, айни Наврўзга нисбатандир.

**Бешинчи** аломати «Наврўздан сўнг қиш бўлмас» деган деҳқон ҳикматида ифодаланган. Ёлқинли офтобда қалин музу қорлар эриб, ер табиатни жонзотларни покловчи нажотбахш кўклам ёмғирлари ўзи билан эҳсонлар силсиласини бошлаб келади.

**Олтинчидан,** кўклам, пойдевори қанча пухта бўлса, куз хирмони шунча юксак бўлади.

**Еттинчи** аломати — беназиру бетараф, дармонбахш, нажотбахш, руҳбахш, тансиқ сумалагию ҳалими, чучвараси, кўк сомсаси, седанали патирларидир.

Буларнинг ҳаммаси Алишер Навоийнинг қуйидаги байтида жодир:

*Меҳру чу истади*
*Ҳамал фароғи,*
*Дашт узра бутар*
*қўзиқулоғи.*

Яъни меҳр — Қуёш ҳамал буржига кўчиб, фароғатланишни ихтиёр этганидан айни буржда порлаб, жамол кўрсатади, шу туфайли даштү қир-адирларда қўзиқулоқ униб чиқди (у билан бирга барча гиёҳлару ўтлар, гулу чечаклар юз кўрсатди).

*Илк ҳамал Қуёши балқди*
*самода.*
*Тўлишган жамоли қалқди*
*тоғ оша.*

Бу онда офтоб кун сайин баландлашиб, ҳарорат ошиб, яна кундуз узайиб боради. Умуман ҳамал охиригача кунга бир соату 26 дақиқа қўшилади.

**Моҳира КАРИМОВА.**

Қатра

## БАҲОР КУЛАР

*Баҳор гўё янги келинчак. Кўм-кўк дала-қирлар, мевали боғларнинг ранг-баранг гуллари қуёш бўсасига интиқлаб очган. Бинафшаю лолалар келинчакнинг севган тақинчоқ-либоси. Ёқимли жилваси меҳнат аҳлида ширин туйғу уйғотади.*

Боғбон боғ оралайди. Мавжланиб ўсаётган ниҳолни кўрса чеҳрасига табассум, ланжроқ ўсаётганини кўрса, ажин, ташвиш югуради. У ланжлик сабабини излайди. Ости саёзроқ қазилган бўлса, илдизи заранггa тақалмадимикан, деб ўйлайди. У фарзанди — ниҳолини бўзлатиб қўйишни хоҳламайди.

Бор меҳрини ниҳол парваришига сарфлайди. Ниҳолнинг танасида энди сувлар югуради, куртаклари тез бўртади.

— Яхшиям шу меҳр бор экан, — дейман боғлар гўзаллигига боқиб. — Бўлмаса, баҳор чиройини қаердан оларди? Не билан кўз-кўз қиларди ҳуснини. Чўлдек ғариб, юпун, нотавон бўлса, нафасидан чўлникидек ёқимсиз гармсел эсиб турса, баҳорнинг баҳорлиги қоладими? Ўша меҳр борки, боғ-роғ, далаларнинг яшиллик базми, қушлар навоси бор, табиат бор, соғлик бор. Юрт дастурхонида файз-барака бор!

*Бахт мавсумин тутиб бошда,*
*Ер уйғониш назмин куйлар.*
*Меҳнат сози куйласа-жўр*
*Баҳор кулар, баҳор кулар.*
*Калит солар баракага,*
*Уруғ қадаб олтин қўллар.*
*Қулоқ қоқиб ниҳол ўсса,*
*Баҳор кулар, баҳор кулар.*
*Яратишнинг файз-завқидан,*
*Тиниқлашар хўп туйғулар.*
*Табиатга сайқал бериб,*
*Баҳор кулар, баҳор кулар.*

**Ғани АБДУЛЛАЕВ.**

Назм

## УЧ МИНГ ЙИЛЛИК СУМАЛАК

*Дошқозонда қайнар соҳир, қайнар тошли сумалак,*
*Бинафшалар очилибдир баҳордан бериб дарак.*
*Боғлар чаман гулга тўлиб, гўё келинчак-малак,*
*Онахонлар даврасинда қайнар тотли сумалак.*

*Адрларда баҳмал-гилам, ниҳолларда куртаклар,*
*Чор тарафда Наврўз-ажам, янги орзу-истаклар...*
*Сув келар тоғ бағридан, тўлиб анҳор, жилғалар,*
*Дошқозонда қайнар манол, навозишли сумалак.*

*Ўлкамизни бўстон этиб, кайфиятни чоғ этиб,*
*Келди кўклам чирой очиб, кўнгилларни тоғ этиб.*
*Зумрад-кўклам нафасида чаман гул-гун очилиб,*
*Дошқозонда қайнар ғизо, қайнар шахдли сумалак.*

*Минтақада ҳамал келиб, бўлмаса-гар Наврўз — баҳор,*
*Тирикликка бўлмагай нон, турли мева сабзалар,*
*Янги йил шундан бошланур, экиш, ниҳол парвариш.*
*Дошқозонда қайнар такрор набобатли сумалак.*

*Ошиёнда сайрар қушлар равза-чаман ишқида,*
*Бекатларда қўшиқ янграр шоду хуррам сайлида.*
*Зардуштийдан расм бўлган баҳори лаззат таом,*
*Дошқозонда қайнаверсин уч минг йиллик сумалак.*

**Носир ВАЛИ.**

# ОИЛА ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР

Шарқ дурдоналари

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Ота-онаси ўлган одамни эмас, одоб-ахлоқи бўлмаган одамни етим де.

● Ўз қариндошларидан алоқани узиш дунё лаззатларидан кўз юмушдир.

*Яхши қўшни яхши йўлга бошлайди*
*Яхши кунда ёт яхши, ёмон кунда «вой қардош»*

Қўшни ёмон бўлса яхши қўшнининг ҳам обрўйи пастлайди, дўсти ёмон бўлган кишининг ҳам ҳурмати камаяди.

● Қарасангки, қўшнинг соқолини олибди, сен ҳам соқолингни қисқартир.

***«Аталар сўзлари»дан.***

● ҲИКМАТ. Донолар илмни молу мулкдан афзал дейдилар. Айтишларича, илм мағиз бўлса, мол унинг пўсти, илм гул бўлса мол унинг ҳидидир. Доно кишилар доимо ўша мағизни қўлга киритиш учун заҳмат чекканлар. Чунки илм аввало фазилатли кишилардан мерос бўлса, мол эса Ҳорун ва Ҳомоннинг мевасидир. Иккинчи, илм камтарлик келтирса мол манманлик келтиради. Учинчи илмли кишининг дўсти кўп бўлса, молдор кишининг душмани кўп бўлади. Тўртинчи, молдор кишилар ўта хасис ва бахил бўлсалар, илмли кишилар саховат эгаси бўладилар. Бешинчи, илм дунёда обрў келтирса, молдунё азоб келтиради. Демак, илм ранжи кишининг хазинаю ганжидир.

● ҲИКМАТ. Илм билан зар ораси осмон билан ер ораси кабидир. Ҳар ким илм билан зарни бир деб қараса нодондир. Одам илм билан юксакликка кўтарилади. Қорунни кўр, зар қидириб охири ер остига кириб кетди.

***Муҳаммад Жавҳар ЗАМИНДОР.***

● Арасту сўзи:

— Фойдали бирор нарса ёзадиган бўлсанг, шундай хат билан ёзки, токи уни осон ўқиб, тезроқ фойда олиш имконияти бўлсин. Қандай фойдали нарсани ёдлаб олган бўлсанг, шундай тушуниб ёдлаки, токи уни қайтариб ёзиш ва тушунтириш имконига эга бўлгин. Қалам сўз элчиси ҳисобланади, ёзув эса қўлнинг тилидир.

● Саҳл ибн Хорун айтади:

— Қалам кўнгилнинг бурнидир, у қачон қонаса сирларни дафтар юзига сочади ва асарларни юзага келтиради. Қалам қоғоз юзига гавҳар тузувчи асбобдир. Китоб бир боғки, ёзувлари унинг гулларидир.

***«Фавокиҳ ал-жуласо»дан.***

● Ҳақиқатан ҳам ҳунар меҳрибон дўст, шафқатли ёр ва файз етказувчи бир чопағон отдирки, у ўз чавандозини тезгина роҳат ва эътибор манзилига етказади ва шундай ҳимоячидирки, ўз соҳибини тамаъ оловидан қутқариб, омонда сақлайди.

● Ақлли киши шундай кишики, покизалик ва садоқат анҳорининг суви билан эгрилик ва қинғирлик оловини ўчиради. Чунки хато йўл тутувчи ва эгри ўйловчи кишилар катта-кичикнинг эътиборидан ва ёшу қарининг назаридан қолади. Обрўйининг оғзи диллардаги муҳаббат неъматининг лаззатидан бебаҳра, лаби эса мақсад ҳамда ҳаёт шодлигининг зилол сувига ташна бўлади. Фард:

*Эгри учун давлат сари йўл йўқдир,*
*Эгри ўқ ҳам бориб етмас нишонга!*

***Бархурдор ибн МАҲМУД.***

● Эй азиз, билгинки, мусибат айёмида кўнгли ғамга тўлмаган, хом хаёл ва бемаъни режалар тузиб, ўз ишини барбод қилмаган киши ақлли киши ҳисобланади. Ақлдек устоддан кўра меҳрибонроқ ва қўллаб-қувватловчи дастгир бўлмайди. Киши учун ақл оғир кунларда чора-тадбир топа билиш учун инъом этилган. Шеър:

*Ақл нима? Удир кўмакчи, дилдор,*
*Ақлинг бўлса сени барча нарсанг бор!*

● Ҳакимларнинг айтишича, қийинчилик пайдо бўлганда доду фарёд қилиш ўрнига ва бу воқеадан дўсту душманларни хабардор қилишдан кўра, сабр ва чидам йўлини ихтиёр қилиб қаноатни шиор қилмоқ яхши. Негаки бундан хабар топган дўстларнинг кўнглига ҳижолатлик тушади, душманлар эса хурсанд бўлади. Шунинг учун чидам йўлини тутиб, бу балодан қандай қутулиш йўлини ўйлаш керак.

***Абдубаракот ҚОДИРИЙ.***

● Кибр ва ғурурдан узоқ бўл, кибр кишини эл орасида хор, беқадру беэътибор қилади!

● Дунёда ҳасад ва гинадан оғирроқ ранж йўқ! Чунки ҳасадчи одам одамларнинг шодлигидан пайваста ғам остида юради. Ўзгалар роҳатидан доимо заҳмат тортади.

● Биров сендан узр сўраса узрини қабул эт. Ўч олишдан кўра узрини қабул қилишда лаззат кўп!

***Муҳаммад ҲУСАЙН.***

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.**

Кино

*«Ўзбектелефильм» ижодкорлари томонидан суратга олиниб тез кунларда мухлислар эътиборига ҳавола этиладиган фильм «Бахт гуллари» деб аталади.*

## «БАХТ ГУЛЛАРИ»

Раъно Солиҳова сценарийси асосида режиссёр Мунид Зокиров суратга туширган фильмда яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик орасидаги кескин курашлар, қизиқарли воқеалар, қувноқ саргузаштлар асосида экранга кўчирилган. Болаларга аталган фильм яратиш ўзига хос машаққатлардан иборат, айниқса уларнинг табиатига яқин тасвирлар алоҳида эътиборни талаб этади. Фильм ижодкорлари бунинг уддасидан чиққанлар.

Фильмдаги асосий образларни Мелис Абзалов, Ражаб Адашев, Дилбар Абдулазизова, Ҳакима Отахонова, Зуфар Раимов, Фарида Умарова каби кино ва телевидениедаги бетакрор образлари билан мухлисларга таниш бўлган артистлар талқин этганлар. Шунингдек, кинода илк бора роллар ижро этаётган Нилуфар Ҳамидова, Насиба Асқадовалар ҳам ўзларига топширилган образларни меъёрига етказиб талқин этганлар. Мактаб ўқувчиларидан Бобур Шукуров, Илёс Қодировлар ижро этган роллар ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради. Оператор Талъат Мансуров тасвирлари, Иброҳим Жиянов қаламига мансуб қўшиқлар, композитор Улуғбек Солиҳов басталаган мусиқалар асарнинг янада томошабоп чиқишида омил бўлган.

**Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.**



*Дугоналар суҳбати.*

*Равиль Альбеков олган сурат.*

Таълим

## БОЛАЛАР КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

*Тўрт йилдан буён чоп этиб келинаётган «Соғлом авлод учун» журнали педагогик матбуот янглиғ Ўзбекистонда кенг оммалашмоқда.*

Ёш авлодни ҳар томонлама соғлом, билимли қилиб вояга етказишга бағишланган мақолаларга катта ўрин бераётган бу журнал саъй-ҳаракати билан яна бир педагогик матбуот нашри юзага келди. «Мактабгача таълим» деб ном олган мазкур болалар журнали жажжи ўғил-қизларни мактабга тайёрлаш, оила ва болалар боғчасининг улар маънавий камолотида тутган ўрни масалаларини ёритишга даъват этилди.

«Соғлом авлод учун» журнали ҳомийлигида чоп этиладиган янги журналнинг биринчи сони яқинда босилиб чиқди.

**Акбар АЛИЕВ.**

*Бўш вақтингизда*

## БОШҚОТИРМА




1. Мамлакатнинг суд муассасалари мажмуи. 2. Осиё қитъасидаги энг тараққий этган мамлакатлардан бири. 3. Мамлакатимизда олий табақа футбол командаси. 4. Қамария йил ҳисобига еттинчи ойнинг арабча номи. 5. Ҳамдўстликдаги давлат пойтахти. 6. Қадимда сипоҳийларга ўзи ва оти учун берадиган маош, озиқ-овқат, ем-хашак. 7. Макка шаҳри яқинидаги муқаддас тепалик. 8. Турмушда энг кўп ишлатиладиган металл. 9. Қадимий савдо йўлларидаги мустаҳкамланган манзил. 10. Электрон лампа тури. 11. Давлатнинг бош идораси. 12. «Янги Ҳиндистон бунёдкори» номи билан танилган давлат арбоби. 13. Тошкент вилоятидаги дарё. 14. Хазинликни ифодаловчи, бир пардада оша пасайиб борувчи уч пардадан иборат товушлар сираси. 15. Баъзи ташкилот, идора ёки жамиятнинг бошқарувчи раҳбарлари. 16.Зоир Республикасидан оқиб ўтувчи дарё. 17. Орзу, истак. 18. Ҳарорат ўлчов бирлиги. 19. Қадимда дастлаб Юнонистон, Рим сўнг Ғарбий Европада ҳисоб амалларини ечишда фойдаланилган тахтакач. 20. Минора соат. 21. Спорт мусобақаси боришини кўрсатувчи мослама. 22. Юнон алифбосининг сўнгги ҳарфи номи. 23. Мусиқада турли баландликдаги бир-бирига ҳамоҳанг бир неча товушнинг бир йўла чалиниши. 24. Жанубий Осиёдаги давлат пойтахти. 25. Кимёвий элементнинг энг майда зарраси. 26. Шарқ халқларига хос қадимий йил ҳисоби. 27. Воқеа, ҳодиса ҳақидаги кичик асар.

### МУАММОНОМА

***Аввал қуйидаги таърифланиб, рақамларда ифодаланган сўзларни топиб очқични ечинг.***

1. Эроннинг жанубий ғарбидаги, Саъдий ва Ҳофиз каби мутафаккир ижодкорлар яшаб ўтган шаҳар - 5, 7, 8, 4, 13.
2. Мажозий усулда ёзилган кичик асар - 11, 3, 14, 3, 6.
3. Бирор нарса ёки кимсага бўлган қатъий ишонч, умид - 18, 15, 1, 2, 10, 4, 19.
4. Ҳиндистондаги дарё - 16, 3, 9, 16.
5. Миллий таом - 17, 3, 12, 4, 12.

Энди жавоб сўзлардаги ҳарфлар асосида шакл атрофидаги муаммоларни ҳал этинг. Ундан қаторлар бўйича халқ ҳикматларидан бирини билиб оласиз.

**Фозилжон ОРИПОВ.**



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-0182. Босмага топшириш вақти 11.30 1 2 3 4 5 6